

rish kerak. Avvalo, moliyaviy hisobotlarni, ya'ni tah-lil qilish uchun axborot bazasini tayyorlash kerak. Bu balans ma'lumotlaridan foydalanish qulayligini, ya'ni xarajatlar va daromadlarni hisob-kitob davrliga taqsimlashning muntazamligi va pul o'zgarishla-

rining ta'sirini hisobga olish darajasi kabi qo'llanildigan balanslash tartib-qoidalarining yetarliligini hisobga olishni nazarda tutadi. Keyinchalik daromadlar to'g'risidagi hisobotni birlashtirish va balans ma'lumotlarini tasniflash kerak.

### **Manba va foydalaniłgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Гелета И.В., Дьяченко Е.И. Факторы финансовой устойчивости предприятия. // Гуманитарные научные исследования, 2015. № 6. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://human.snauka.ru/2015/06/11517> (дата обращения: 19.04.2017).
  2. Левчаев П.А. Финансовый менеджмент и налогообложение организаций. Учебное пособие. – Саранск: Мордовский гуманитарный институт, 2015.
  3. Horngren, C., Sundem, G., Introduction to Management Accounting, 7-th Edition, Prentice-Hall Inc., 1987.
  4. Фролова Т.А. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Конспект лекций. – Таганрог: ТРТУ, 2016. – 369 с.
  5. Левчаев П.А. Финансовый менеджмент и налогообложение организаций. Учебное пособие. – Саранск: Мордовский гуманитарный институт, 2015.
  6. Raxitov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (O'quv qo'llanma). – T.: TMI, 2003-y. 9-bet.
  7. Крылов С. И. Финансовый анализ. Учебное пособие. / С.И.Крылов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 160 с.
  8. Астахова Е.В., Старовойтова О.Я. Бухгалтерская отчетность как источник формирования финансовой устойчивости организации на примере ООО «Морской меридиан». // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2017. Т. 6. № 3 (20). С. 320-324.
  9. Глазунов В.М. Анализ финансового состояния предприятия. // Финансы, 2015. С. 27.
  10. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001 йил. – 183 бет.
  11. Алексеева А.И., Васильев Ю.В., Малеева А.В. ва б. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. – М.: Финансы и статистика, 2006 г. Стр. 16.
  12. Басовский Л.Е., Лунева А.М., Басовский А.Л. Экономический анализ. – М.: ИНФРА-М, 2008 г. Стр. 7.
  13. Ranković J. Financial Management of Enterprises, IV edition, Center Belgrade, (1989), p. 174.
  14. Pardayev M.Q. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. – Samarqand: Zarafshon, 2001-y. – 183 b.
  15. Ranković J. Financial Management of Enterprises, IV edition, Center Belgrade, (1989), p. 176.
  16. Pardayev M.Q. Moliyaviy tahlil (ma'ruba matni). – Samarqand, 2007-y. – 275 b.
- Vučičević D. "Theoretical aspects and basic settings of financial analysis", School of Business 2/2012, (2012), p. 2.



### **ҚАРЗ МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТ РИСКИНИ CREDITMETRICS УСЛУБИЁТИ ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ**

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна -**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

қўмитаси ҳузуриданаги

Фискал институт таянч докторанти

**Зокиржонов Мұхаммадсодиқ Равшанбек ўғли -**

Тошкент молия институти Иқтисодий

хавфсизлик кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада молиявий секторда замон таҳликалари ва мураккабликлари ҳисобига рискларни баҳолаш долгзарблиги доирасида қарз молиявий инструментининг, хусусан, облигациянинг кредит рискини баҳолаш метрикаси ўрганилган. Таҳлил объекти сифатида мамлакатимиз молия секторининг муҳим бўғини ҳисобланган банк соҳасида фаолият олиб бораётган "Ипотека-банк" АТИБ танлаб олинди. Таҳлил учун кириш маълумотлари сифатида банкнинг расмий очиқ манбаларда келтирилган статистик маълумотлари, хусусан, банк томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган еврооблигациялар бўйича маълумотлардан фойдаланилди. Шу билан бирга, услубиёт талаби доирасида рейтинг агентликлари, хусусан, Standard&Poor's рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинадиган глобал бенчмаркинг маълумотларидан кенг фойдаланилди. Услубиётга қўра, қарз инструменти рискини баҳолашда қатъий ҳисоблаш алгоритмига риоя қилган ҳолда кредит рискини баҳолаш таҳлили амалга оширилди. Мазкур тартиб бўйича еврооблигациянинг кредит рискини баҳолаш калькуляцияси ҳам мақолада ўз аксини топган.

**Таянч сўзлар:** CreditMetrics, кредит рейтинги миграцияси, ўқотишлар даражаси, дефолт, дисконт ставкаси, стандарт четланиши.

**ПРАКТИКА ОЦЕНКИ РИСКА ДОЛГОВЫХ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕТОДА CREDITMETRICS**

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна -**

Докторант Фискального института при Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан

**Зокиржонов Мухаммадсадик Равшанбек угли -**

Доцент кафедры «Экономическая безопасность»  
Ташкентского финансового института

**Аннотация.** В статье, в рамках актуальности оценки риска в финансовом секторе в связи с опасностями и сложностями времени, исследуется метрика оценки кредитного риска долгового финансового инструмента, в частности корпоративной еврооблигации. В качестве объекта анализа был выбран АКБ «Ипотека-Банк», работающий в банковской сфере, которая считается важным звеном финансового сектора нашей страны. В качестве входных данных для анализа используются статистические данные банка, представленные в официальных открытых источниках, в частности, данные о выпущенных и размещенных банком еврооблигациях. В то же время в рамках требования к методологии широко используются данные, публикуемые рейтинговыми агентствами, в частности рейтинговым агентством Standard&Poor's. Согласно методике анализ оценки кредитного риска проводился по строгому алгоритму расчета оценки риска долговых инструментов. В статье также отражен расчет оценки кредитного риска еврооблигаций по данной процедуре.

**Ключевые слова:** CreditMetrics, миграция кредитных рейтингов, уровень убытков, дефолт, коэффициент восстановления дефолта, ставка дисконтирования, дисперсия, стандартное отклонение.

**RISK ASSESSMENT OF DEBT FINANCIAL INSTRUMENTS USING CREDITMETRICS METHODOLOGY**

**Mirzayeva Fotima Mirrakhimjonovna -**

PhD student of Fiscal institute under the State tax committee of the Republic of Uzbekistan

**Zokirjonov Mukhammadsodik Ravshanbek ugli -**

Senior teacher of the department of Economic security of the Tashkent institute of finance

**Abstract.** In the article, credit risk assessment metric of a debt financial instrument, in particular a corporate eurobond, is studied within the framework of the relevance of risk assessment in the financial sector due to the dangers and complexities of time. JSCMB 'Ipoteka-Bank', operating in the banking sector, which is considered an important link of the financial sector of our country, was selected as the object of analysis. As input data for the analysis, statistical data of the bank provided in official open sources, in particular, data on Eurobonds issued and placed by the bank, are used. At the same time, global benchmarking data published by rating agencies, in particular Standard&Poor's rating agency, is widely used as part of the methodology requirement. According to the methodology, credit risk assessment analysis was performed following a strict calculation algorithm for debt instrument risk assessment. The calculation of credit risk assessment of Eurobond according to this procedure is also reflected in the article.

**Key words:** CreditMetrics, credit rating migration, default recovery rate, rating quality, discount rate, variance, standard deviation.

**Кириш.** Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига очиқ иқтисодиёт тамойиллари, валюта ва бож сиёсатини либераллашириш, халқаро норма ва стандартларга монанд миллий иқтисодиёт трансформацияси билан жадал интеграция жараёнини амалга оширмоқда. Натижада ташқи қарз, халқаро кредит линиялари ва еврооблигациялар шаклидаги марказлашган инвестициялар мамлакатга хорижий валюта киримини таъминламоқда.

Глобаллашув мураккабликлари, иқтисодий шоклар, кибер таҳдидлар ва давр чақиравлари шароитида инвестициялар орқали иқтисодий ривожланиш ўйуни танлаган мамлакатимиз

молия тизимининг ядроси бўлган банк сектори фаолиятига ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Шунингдек, мамлакатимизда мазкур соҳада муайян амалий ишлар билан бир вақтда қонунчилик базаси ҳам яратилмоқда. Хусусан, «...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш...»[1] муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Банклардаги эҳтимолли риск ва хатарларни олдиндан баҳолаш ва прогнозлаш долзарблиги юқоридаги таъкидлар билан изоҳланади.

Банклар риск менежмент тизимига эга ва улар рискларни, хусусан, кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш бүйича қатъий андеррайтинг стандартларини жорий этиш, мажбурий чекловлар ўрнатиш ҳамда контрагентни муайян тарзда мониторинг қилиб бориш каби анъанавий усуллар ва моделлардан фойдаланиб келмоқда. Шу билан бирга, тижорат банклари замонавий давр талабларига жавоб берадиган кредит рискини баҳолаш моделларидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари замонавий риск назарияси кредит рейтингдаги ўзгаришлар рискини ва кредитор дефолт рискларини ўзида қамраб оладиган баҳолаш усули орқали кредит рискини микдорий баҳолашига қуйидаги сабаблар асос бўлади:

- молиявий маҳсулотларнинг янада мураккаблашиши (масалан деривативлар);
- кредитлаш механизмларининг янада кенгайиши (кафиллик амалиёти, таъминот базаси, маржинал келишувлар ва неттинглар);
- кредит инструментлари қиймати шаклланишида замонавий омиллар таъсири (эконометрик моделлаштириш орқали прогноз кутилмалар);
- рационал баҳолашга асосланган кредит рискларини фаол бошқариш талаби (манфаатдор ва ваколатли институтлар эҳтимолли рискларни тегишли зарур текширув (экспертиза)лар стандартлари (due diligence standards) талабларига кўра синчковлик билан ўрганиб чиқиши).

**Адабиётлар таҳлили.** Қарз инструменти рискини микдорий баҳолашда ривожланган мамлакатларда эътироф этилган ва кенг қўлланиладиган услубиётлардан бири CreditMetrics услубиётидир. Методология 1997 йилда JPMorgan томонидан тақдим этилган бўлиб, унинг асосида кредит миграцияси, яъни маълум бир вақт оралиғи учун ҳамда дефолт ҳолатини ҳисобга олган ҳолда кредит бир сифат даражасидан бошқа бирига ўтиши мумкинлиги ётади [1].

Услубиёт юзага келадиган қиймат ўзгаришларининг нафақат эҳтимолли дефолтини, балки кредит сифатининг ўсиши ва пасайишини ҳам қамраб олади [2]. Шунингдек, қарздорнинг кредит сифати ўзгаришидан келиб чиқадиган форвард қиймати ноаниқлигини активнинг қийматидаги ўзгаришлар тақсимотини моделлаштириш орқали ҳисоблайди [3]. Бунда ўзгаришларнинг қиймати фақат кредитлар миграцияси билан боғлиқ ҳисобланади ҳамда кредит сифати ҳам пасайиш (ёки кўтарилиш), ҳам дефолт ҳолатида ўзгариш эҳтимоллигига эга бўлади [2].

Демак, услубиёт дефолтнинг пайдо бўлиши активларнинг қийматига боғлиқлигига асосланади. Агар активларнинг қиймати маълум чегарадан пастга тушса, дефолт юзага келади.

Агар қиймат ушбу критик қийматдан юқори бўлса, у ҳолда фирма мавжуд бўлиб қолади [4].

Услубиёт VaR ёндашуви контекстида қурилади. VaRга асосан қурилган моделларнинг муаммолари тарихий маълумотлар йўқлиги ёки сони етарли эмаслиги, банк кредит сиёсати ўзига хослигидан маълумотлар мос келмаслиги ёки етарли бўлмаслиги билан изоҳланади [5].

Услубиёт миграция таҳлилига аосланади. Рейтинг миграцияси дискрет, тасодифий жараён бўлиб, қарздор ёки қарз инструментининг маълум давр оралиғида кредит рейтингидаги ўзгариш ҳисобланади. Бундай ўзгариш кредит маҳсулотининг қийматига сезиларли таъсир ўтказади [6].

Морган 1987 йилда миграция матрицаларини ишлаб чиқди. Ўшандан бери кредит рискини баҳолашда миграция таҳлилини қўллади. Ўтиш матрицаларининг биринчи нашри 1991 йилда бир-биридан мустақил тарзда Нью-Йорк университети профессори Эдвард Алтман [7] ҳамда Moody's Investors Service ходимлари Лукас [8] ва Лонски томонидан нашр этилган. Ўшандан бери улар мунтазам равишда нашр этилган.

CreditMetrics услубиётида бир неча минг рейтингланадиган облигацияларнинг ретроспектив маълумотларига асосланиб аниқланган ўтиш матрицаси, қарз инструментининг бир рейтинг синфидан баҳоласига миграцияси эҳтимоли етарлича аниқ баҳоланиши таъкидланади [9].

Услубиёт фақат кутилаётган йўқотишни эмас, балки кредит сифатининг ўзгариши сабабли қийматнинг ўзгарувчанлигини ҳам баҳолайди. Дефолт эҳтимоллигини баҳолаш қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан, бу портфель ичидаги кредит рискини (волатиллигини) тўлиқ баҳолаш учун зарур бўлган моделлаштириш ва баҳолашнинг узоқ занжирининг фақат битта бўғинидир [10].

**Тадқиқот методологияси.** Кредит рискини моделлаштириш ҳам таҳлил қилиш жиҳатидан, ҳам амалий қўллаш жиҳатидан мураккаб саналади. Масалан, замонавий портфель назарияси қўлланилиши бўйича акциянинг қиймати билан боғлиқ рисклар учун кўплаб ечимлар тадқиқ қилинган. Бироқ кредит рисклари ва акциянинг қиймати билан боғлиқ рисклар ўтрасидаги фундаментал фарқлар акциялар портфель назариясини кредит портфеллари учун қўллашда муаммолар туғдиради [2].

Облигациянинг кредит рискини баҳолаш тартиби қуйидаги уч қадамли амаллар алгоритмини ўз ичига олади:

1-босқич. Облигация кредит рейтинги миграциясининг эҳтимоллигини аниқлаш.

2-босқич. Дефолт ёки кредит рейтинги силжишидаги йўқотишлар даражасини баҳолаш.

3-босқич. Биринчи икки босқичга асосланған ҳолда кредит рискини ҳисоблаш.

«Ипотека-банк» АТИБ томонидан жойлаштирилған еврооблигациянинг рискини бақолашда құшимча қуидаги шартли маълумотлардан фойдаланилади:

- Standard&Poor's рейтинг тоифалари ҳамда уларға мос келдиган ўтиш матрицаси;
- еврооблигация Standard&Poor's BB рейтинг тоифасига киради;
- еврооблигация номинал қиймати – 100 доллар;
- еврооблигация бүйича 5,5 фоиз йиллик купон түланади;
- сўндиришгача муддат 4 йил қолган ва риск горизонти бир йил деб олинади.

1-босқич. Кредит рейтинги миграцияси. Бунда йил якунида кредит ҳодисасига кўра жорий рейтинг баҳоси қуидаги сценарийлар бўйича ривожланиши эҳтимоллиги мавжуд:

- BB рейтинг тоифасида қолади;
- AAA, AA, A, BBB тоифасига кўтарилади ёки B, CCC тоифасига тушади;
- дефолт бўлади.

Мазкур сценарийларнинг содир бўлиш эҳтимоллиги турлича бўлиб, бу ҳақидаги маълумот мавжуд ретроспектив тадқиқот маълумотларидан олинади. CreditMetrics услубиёти бундай маълумотларни расмий манбалардан, хусусан, рейтинг агентликлари томонидан даврий

эълон қилиб бориладиган манбалардан олишни тавсия этади. Хусусан, 1981-2021 йиллар оралиғида содир бўлган глобал дефолт ҳолатлари ва рейтингдаги ўзгаришлар асосида келгусидаги рейтинг миграцияси кутилишлари бўйича S&P Рейтинг агентлигининг расмий маълумотлари олинди. Қуидаги 1-жадвалда бу маълумотлар келтирилған ва бунга кўра рейтинг ўтиш эҳтимоллиги миграция матрицаси билан ифодаланган. Мартицадаги фоизли эҳтимолликлар ўрганилган 40 йиллик умумий кузатувлардаги ўтишлар улушкин англатади. Масалан, жами кузатувларнинг 0,6 фоизида BB рейтингига эга бўлган инструмент (эмитент)лари дефолтга учраган.

Матрица ўқилиши унинг сатрлари бўйлаб чап устундан бошлаб келтирилган рейтинг синфи, йил охирига келиб, устунлар бўйлаб келтирилган рейтинг синфларига ўтиш эҳтимоллиги билан тушунилади. Бошқача айганда, бу жадвалдан BB синфидаги еврооблигация йил охирда маълум тегишли эҳтимоллик даражалари билан 7 та (AAA дан CCC гача) рейтинг синфига ўтиши ёки дефолт бўлиш мумкинligini кўрсатади. Масалан, «Ипотека-банк» АТИБнинг 2021 йил бошида баҳоланган BB синфидаги еврооблигацияни 2021 йилдаги миграция эҳтимолликлари қуидагича бўлиши мумкин: AAAга ўтиши 0,01 фоизни ташкил қиласи, аксинча, дефолтга учраши 0,6 фоиз билан баҳоланади ёки ўз рейтинг даражасини сақлаши 78,12 % билан прогноз қилинади.

#### 1-жадвал

##### 2021 йил ҳолати учун ўртача бир йиллик глобал корпоратив рейтинг ўтиш матрицаси кўрсаткичлари, %

дан/га ўтиш	AAA	AA	A	BBB	BB	B	CCC/C	D	Дефолт сони
<b>AAA</b>	87.09	9.05	0.53	0.05	0.11	0.03	0.05	0.00	0
<b>AA</b>	0.48	87.32	7.72	0.46	0.05	0.06	0.02	0.02	0
<b>A</b>	0.02	1.56	88.73	4.97	0.25	0.11	0.01	0.05	10
<b>BBB</b>	0.00	0.08	3.19	86.72	3.48	0.42	0.09	0.15	71
<b>BB</b>	0.01	0.02	0.10	4.52	78.12	6.66	0.53	0.60	182
<b>B</b>	0.00	0.02	0.06	0.15	4.54	74.73	4.81	3.18	1 102
<b>CCC/C</b>	0.00	0.00	0.09	0.16	0.49	13.42	43.91	26.55	2 940
<b>Рейтингга эга бўлмаган дефолтлар сони</b>									143
<b>Жами:</b>									4 448

**Манба:** <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/articles/230425-default-transition-and-recovery-2021-annual-global> 1981-2021 йиллар бўйича S&P Рейтинг агентлиги расмий маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Рейтинг миграция матрицаси маълумотларидан аниқланган хулосалар:

- эҳтимоллиги энг юқори бўлган кредит рейтинги жорий кредит рейтингидир;
- кейингиси бир ҳарфда тепага/пастга фарқланадиган рейтинглардир;
- паст рейтингли актив эмитенти эҳтимолли дефолти бошқалардан юқоридир;
- рейтинг миграциясининг эҳтимолликлари ийфиндиси 100 %ни ташкил қиласи.

Шундай қилиб, 1-қадамда бир йиллик вақт горизонтида актив кредит сифатининг рейтинг синфидан бошқа ҳар қандай синфга ўтиш эҳтимоллиги аниқланади. Чунки риск нафақат дефолт эҳтимоллиги билан, балки рейтинг бўйлаб ўзгаришлар билан ҳам йўқотишларга эга бўлиши мумкин.

2-босқич. Заарлар даражасини баҳолаш. Олдинги босқичда еврооблигация 8 та сценарий бўйича йил якунида ўзгариши мумкинлиги ва

уларнинг ҳар бирига мос эҳтимоллик даражаси билан ўзгаришлар баҳоланиши мумкинлиги кўрилди.

Қайта баҳолашлар қўйидаги уч қадамли ҳисоблаш амали билан баҳоланади ва еврооблигациянинг ҳосил бўлган янги даромадлеклари бўйича қолган келгуси пул оқимларининг жорий қиймати аниқланади:

1) дефолт ҳолати учун облигация синфлари даражалари бўйича йўқотишларни қоплаш даражаси баҳоланади;

2) рейтинг миграцияси юқори ёки паст тоифага ўтиши натижасида облигация спрэдидаги ўзгариш баҳоланади;

3) янги рейтинг бўйича ҳосил бўлган ўзгарган даромадлилик асосида облигациянинг қолдиқ пул оқимларининг жорий қиймати қайта баҳоланиб аниқланади.

Дефолт ҳолатида баҳолаш. Агар кредит сифати миграцияси дефолтни тақозо этса, қайта тикланиш қиймати қоплаш суммасини айиргандан сўнг эҳтимолли қолдиқ қиймати билан аниқланади ва бу қарз инструментининг синф даражаларига боғлиқ бўлади, яъни қарз инструментининг синфлари бўйича дефолт ҳолатидан қайта тикланиш ставкалари билан қиймати аниқланади. Бошқача айтганда, агар еврооблигация эмитенти дефолт бўлса, инвестор учун киритган

сармоя қийматининг қанчаси қайтарилиши (сўндирилиши), яъни қоплаб берилишини кўрсатади. Қайта тикланиш ставкаси унинг номиналига кўпайтириб ҳисоблаш чиқилади.

Қайта тикланиш ставкалари маълумотлари бўйича мавжуд ретроспектив тадқиқот маълумотлари олинади. CreditMetrics услубиёти бундай маълумотларни расмий манбалардан, хусусан, рейтинг агентликлари томонидан даврий эълон қилиб бориладиган манбалардан олишни тавсия этади (Бу маълумотни S&P Рейтинг агентлигининг расмий манбаларида очиқланган маълумот олинди).

Қуйидаги 2-жадвалга кўра, 1987-2021 йиллар оралиғидаги қарз инструменти эмитентининг дефолтидан сўнг қарз номиналининг қанча қисми қоплаб берилгани тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дейлик, ВВ синфига эга облигация “Ўртачадан паст” тоифадаги дефолтдан қайта тикланиш ставкаси бўйича дефолт ҳолатидаги қиймати аниқланади. Бунда дефолт ҳолатидаги йўқотишларнинг ўртачадан паст қиймати облигация номинал қийматининг 27,4 фоизини ташкил этади. ВВ рейтингига эга облигациянинг дефолтга учраш эҳтимоллигининг тарихий баҳси (1-жадвалга кўра) 0,60 %ни ташкил этади.

## 2-жадвал

### 2021 йил ҳолати учун корпоратив облигация рейтинг синфлари учун дефолтдан қайта тикланиш ставкалари, номиналдан %да

Облигация синфи	Ўртacha (%)	Медиана (%)	Стандарт четланиш	Вариация коэффициенти (%)	Кузатувлар сони
<b>Юқори</b>	65.6	69.0	39.4	60.1	393
<b>Ўртачадан юқори</b>	51.3	47.1	38.9	75.8	1,400
<b>Ўртача</b>	35.1	20.6	37.4	106.5	554
<b>Ўртачадан паст</b>	28.4	11.5	37.7	132.8	471
<b>Умумий</b>	46.3	36.0	40.3	87.0	2,818

**Манба:** <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/articles/211215-credit-trends-u-s-recovery-study> 1987-2021 йиллар бўйича S&P Рейтинг агентлиги расмий маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Облигация спрэдидаги ўзгаришни баҳолаш. Кейинги босқичда агар облигация дефолтга учрамаса, ҳар бир бошқа рейтингга ўтиш мумкинлиги бўйича унинг эҳтимолли йил якунидаги форвард қиймати аниқланади. Натижада ВВ рейтингли еврооблигация йил охирида BBB га кўтарилиши, В га тушишидаги ва ҳоказо ўзгаришдағи қиймати аниқланади. Демак, еврооблигация янги рейтинги бўйича қолган пул оқимларининг янги жорий қийматлари аниқланади, яъни сўндиргунгача қолган йил купонлари ва номинали дисконтланади. Дисконтлашда еврооблигация саккиз марта қайта баҳолаб чиқилади.

Дисконт ставкаси сифатида услубиёт ҳар бир рейтинг синфи учун корпоратив форвард

дисконт ставкаси маълумотларини расмий манбалардан, хусусан, рейтинг агентликлари томонидан даврий эълон қилиб бориладиган манбалардан олишни тавсия этади. Хусусан, 2011-2021 йиллар оралиғида облигациялар бўйича глобал бир йиллик форвард корпоратив даромадлилик/дисконт ставкаси маълумотларининг 2021 йил ҳолати учун S&P Рейтинг агентлигининг расмий маълумотлари олинди. Қуйидаги 3-жадвалдаги келтирилган маълумотларга кўра, сўндиришгача қолган 4 йил бўйича даромадлилик/дисконт ставкалари ҳар бир рейтинг синфи учун алоҳида келтирилган.

**Рейтинг синфлари бўйича 2021 йил учун бир йиллик форвард корпоратив  
даромадлилик/дисконт ставкаси маълумотлари, %**

Рейтинг синфи	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил
<b>AAA</b>	0,09	0,46	0,90	1,25
<b>AA</b>	0,31	0,68	1,13	1,47
<b>A</b>	0,50	0,87	1,31	1,66
<b>BBB</b>	0,77	1,14	1,59	1,94
<b>BB</b>	1,79	2,25	2,78	3,20
<b>B</b>	3,19	3,84	4,55	5,14
<b>CCC</b>	10,10	10,36	10,70	10,94

**Манба:** [https://www.marketplace.spglobal.com/en/datasets/corporate-yield-curves-\(221\)#data-visualization](https://www.marketplace.spglobal.com/en/datasets/corporate-yield-curves-(221)#data-visualization) 2011-2021 йиллар бўйича S&P Рейтинг агентлиги расмий маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Облигациянинг жорий қийматини қайта баҳолаш. Бу ерда дефолт ҳолатигача бормаган қарз инструменти сифатининг миграцияси содир бўлаётган вазиятлар учун 3-жадвалдаги дисконт ставкалари билан облигация баҳоси аниқланади. Дейлик,

$$V = 5,5 + 5,5/(1 + 0,77\%) + 5,5/(1 + 1,14\%)^2 + 5,5/(1 + 1,59\%)^3 + \\ (100 + 5,5)/(1 + 1,94\%)^4 = 119,28$$

Демак, худди шундай тарзда ВВ рейтингли облигация бошқа барча рейтинг синфларига ўтиш муносабати билан қайта диконтлаш баҳосини амалга ошириш керак бўлади. Кўрилаётган беш йиллик еврооблигациямиз сўндириш муддатигача қолган давр 4 йил ва йиллик купон ставкаси 5,5 фоизни ташкил этади. Ҳар йил яку-

ВВ тоифасига эга облигация рейтинги BBB тоифасига кўтариладиган ҳолдаги облигациянинг сўндиришгача қолган 5-йил бўйича қийматини дисконтлаш орқали қуидагича қайта ҳисобланади:

нидаги дисконтлаш ставкаларининг ўзгаришлари 3-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, барча рейтинг синфлари учун қайта баҳолаш натижалари 4-жадвалдаги форвард ва умумий қийматларда акс этган. 2-қадамда 2021 йил якунидаги еврооблигациянинг синфи бўйича ўзгарган қиймати аниқланади

**Рейтинг синфлари бўйича дисконт ставкаси асосида 2021 йил якунидаги  
«Ипотека-банк» АТИБ еврооблигациясининг қийматлари**

Рейтинг синфи	Дисконт ставкаси, %				Купон тўлови, USD	Форвард қиймат, USD	Умумий қиймат, USD
	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил			
<b>AAA</b>	0,09	0,46	0,9	1,25	5,5	116,68	122,18
<b>AA</b>	0,31	0,68	1,13	1,47	5,5	115,74	121,24
<b>A</b>	0,5	0,87	1,31	1,66	5,5	114,94	120,44
<b>BBB</b>	0,77	1,14	1,59	1,94	5,5	113,78	119,28
<b>BB</b>	1,79	2,25	2,78	3,2	5,5	108,74	114,24
<b>B</b>	3,19	3,84	4,55	5,14	5,5	101,58	107,08
<b>CCC</b>	10,1	10,36	10,7	10,94	5,5	83,21	88,71
<b>Дефолт</b>	-	-	-	-	-	28,4	28,4

**Манба:** муаллифлар томонидан тузилди.

З-босқич. Қарз инструменти рискини баҳолаш. «Ипотека-банк» АТИБ еврооблигацияси мисолида қарз инструменти сифатининг ўзгариши билан боғлиқ қийматнинг волатиллигини баҳолаш учун зарур бўлган барча маълумотларга эга миз. Яъни ҳар бир градация доирасида қийматларнинг мумкин бўлган барча миграция ўтишлари ва тақсимланишларининг эҳтимоллигини баҳолаш учун керакли қийматлар маълумотлари мос равишда 1 ва 2 қадамларда аниқланди. Ушбу

маълумотлар қуидаги 5-жадвал (2 ва 3 устуни)да келтирилган.

Қуидаги 5-жадвалнинг (4) устунидаги маълумотлар (2) ва (3) устун маълумотларининг ўзаро кўпайтмаси билан топилади ва бу устуннинг йифиндиси ўртacha қийматни беради. Кўрилаётган еврооблигациянинг миграцияси эҳтимоллиги ва қиймат кўрсаткичлари ҳисобланиши юқорида кўрилди. Энди мазкур қиймат кўрсат-

кичлари ёрдамида риск баҳосини ҳисоблаб чиқамиз.

Стандарт четланиш квадрат илдиз остидан дисперсияни англатади ва қуидаги формула орқали аниқланади:  $\sigma = \sqrt{\sum_{i=1}^n p_i \mu_i^2 - \bar{\mu}^2}$ .

Бунда аниқланган қиймат барча дефолт бўлмайдиган ҳолатлар учун стандарт четланиш рейтинг миграциясининг алоҳида қиймати ва ўртача қиймат орасидаги тафовутини ҳисоблайди, яъни қанчалик четланишини қуидагича аниқлайди:

$$\sigma = ((0,01\% \cdot 122,18^2 + 0,02\% \cdot 121,24^2 + 0,10\% \cdot 120,44^2 + 4,52\% \cdot 119,28^2 + 78,12\% \cdot 114,24^2 + 6,66\% \cdot 107,08^2 + 0,53\% \cdot 88,71^2 + 0,60\% \cdot 28,40^2) - 102,56^2)^{1/2} = \sqrt{154,92} = \pm 12,45.$$

#### 5-жадвал

**«Ипотека-банк» АТИБ еврооблигациясининг рейтинг сифати ўзгаришлари натижасидаги риск даражаси маълумотлари**

Йил якуни-даги рейтинг	Эҳтимоллик, %	Облигация ва унинг купон қийматлари, дол.	Тортилган эҳтимолли қиймати, дол.	Ўртачадан четланиш, дол.	Тортилган четланиш эҳтимоллигининг квадрати
(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)
AAA	0,01	122,18	0,01	19,62	0,0385
AA	0,02	121,24	0,02	18,68	0,0698
A	0,10	120,44	0,12	17,88	0,3197
BBB	4,52	119,28	5,39	16,71	12,6226
BB	78,12	114,24	89,24	11,68	106,4949
B	6,66	107,08	7,13	4,51	1,3561
CCC	0,53	88,71	0,47	-13,85	1,0170
Default	0,60	28,40	0,17	-74,16	33,0024
1.				Ўртача=	102,5647112
2.				Вариация=	154,9210624
3.				Риск қиймати=	12,44672898
4.			CreditMetrics бўйича созланган риск=		11,57524650

**Манба:** муаллифлар томонидан тузилди.

Риск ўлчови сифатида мазкур услубиётда стандарт четланиш ҳисобланади. Уни аниқлаш учун дастлаб ўртача қиймат топилади. Ўртача қиймат барча рейтинг тоифалари учун миграция эҳтимолликларининг ўртача тортилган қийматидир. У қуидаги формула орқали аниқланади:

$$\bar{\mu} = 0,01\% \cdot 122,18 + 0,02\% \cdot 121,24 + 0,10\% \cdot 120,44 + 4,52\% \cdot 119,28 + 78,12\% \cdot 114,24 + 6,66\% \cdot 107,08 + 0,53\% \cdot 88,71 + 0,60\% \cdot 28,40 = 102,56.$$

Аниқланган стандарт четланиш қиймати умумий ҳолда риск ўлчови сифатида хизмат қиласи ва бу қиймат ҳар бир облигация рейтинг синфи фақат ўртача қийматни қабул қилишини тақозо этади. Аслида эса облигация ҳар бир рейтинг синфи алоҳида ўз тақсимотига эга бўлиши мумкин, бу эса дефолт ҳолатидаги йўқотишлар тўғрисида ноаниқликтини вужудга келтириши мумкин. Буни ҳисобга олиш учун услубиётга кўра

$\bar{\mu} = \sum_{i=1}^n p_i \mu_i$ . Бу ерда  $p_i, \mu_i$  мос равища рейтинг миграцияси эҳтимоллиги ва рейтинг бўйича кўрилаётган облигациянинг номинал ҳамда купон қийматлариидир. Яъни 5-жадвалнинг (2) ва (3) устунлари қийматлари формулада қуидагича кўлланилади:

стандарт четланишнинг ҳисоблаш формуласига  $\sigma_i^2$  компоненти (алоҳида синфлар бўйича стандарт четланишлар)ни киритиш талаб этилади. Мазкур компонент дефолт ҳолатидаги йўқотишлар даражаси ноаниқлигининг  $i = \{1;8\}$  га teng қоплаш қийматини ўзида акс эттиради. Демак, стандарт четланишни аниқлаш учун формула қуидагича созланади:

$$\sigma^* = \sqrt{\sum_{i=1}^n p_i (\mu_i^2 + \sigma_i^2) - \bar{\mu}^2} = ((0,01\% \cdot (122,18^2 + 0^2) + 0,02\% \cdot (121,24^2 + 0^2) + 0,10\% \cdot (120,44^2 + 0^2) + 4,52\% \cdot (119,28^2 + 0^2) + 78,12\% \cdot (114,24^2 + 0^2) + 6,66\% \cdot (107,08^2 + 0^2) + 0,53\% \cdot (88,71^2 + 0^2) + 0,60\% \cdot (28,40^2 + 37,7^2)) - 102,56^2)^{1/2} = \pm 11,575.$$

Эътиборлиси шундаки, дастлабки 7 та рейтинг синфи бўйича бу компонент, яъни риск (стандарт четланиш) 0 га тенг қийматлар рейтинг миграция ўтишидаги кўтарилиш (пасайиш) даражаси қийматининг ноаниқлигини англатади, фақат саккизинчи дефолт ҳолати учун стандарт четланиш маълумоти мавжуд ва 2-жадвалга кўра у 37,7 ташкил этади.

Ҳисоблаш натижасида такомиллаштирилган стандарт четланишнинг қиймати 11,57 га тенг бўлди, яъни бу аввалги 12,45 қийматдан 7,61 %га паст қиймат ҳисобланади. Демак,  $\sigma^*$  - риск формуласига йўқотиш даражасининг ноаниқлигини баҳолайдиган компонент киритилганда, облигация кредит рискининг камайишига олиб келади.

Шундай қилиб, облигациянинг дефолт ҳолати учун қийматнинг ноаниқ бўлиши рейтинг ўзгариши (кўтарилиши, пасайиши)нинг қиймати ҳам ноаниқ бўлишини англатади. Бу эса ҳар бир облигация рейтинги синфлари учун облигация спрэдларининг ноаниқлигига олиб келади. Облигация спрэдининг ноаниқлиги ноль дейлади, чунки у тизимли ва тизимсиз рискларга қандай пропорцияда тегишлилиги ноаниқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида айтиш мумкинки, JPMorgan&Co томонидан ишлаб чиқилган CreditMetrics риск менежерлари учун портфель назарияси ва баҳолаш методологиясидаги сўнгги ютуқларни ўзида мужассамланган кредит рискини баҳолаш услубиёти ҳисобланади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gupton G.M., Finger C.C., Bhatia M. (1997) *CreditMetrics – Technical Document*. / JPMorgan.
2. JPMorgan & Co. (2007) *CreditMetrics™ – Technical Document Copyright*.
3. Кричевский М.Л. (2013) *Финансовые риски. Учебное пособие*. / 2-е изд. – М.: КНОРУС. – 248 с.
4. Ариц Е.Т. *Модели оценки кредитных рисков. Управление кредитным риском. Проблемы анализа риска*, том 14, 2017, № 4 .
5. Урсуленко А.В. *Базель 2: Особенности моделирования кредитного риска*. Всероссийский журнал научных публикаций, ноябрь, 2010. С. 70-72.
6. Andersson, Fredrik et al. "Credit risk optimization with conditional value-at-risk criterion". *JJ Mathematical Programming* 2001, 89(2): 273-291.
7. Altman, Edward I. (1991) "Rating Migration of Corporate Bonds: Comparative Results and Investor/Lender Implications", *Working Paper*, New York University Salomon Center.
8. Lucas, Douglas J. (1995), "Default Correlation and Credit Analysis", *The Journal of Fixed Income*, pp. 76-87.
9. Деан Фантацини. Эконометрический анализ финансовых данных в задачах управления риском. Часть 4. Прикладная эконометрика. № 1(13). 2009. Стр. 105-138.
10. Зокиржонов М., Мирзаева Ф. Рискларни баҳолашнинг инновацион методологияси. Иқтисодиётда инновациялар. № 5 (2019). 27-38-б. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-5>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

Ютуқлари сифатида инвестор ёки ҳар қандай амалий фойдаланувчи учун тушуниш, қўллаш ва натижаларини талқин этиш нуқтаи назаридан услубиёт қулай ва самарали ҳисобланади. Ҳисоблаш алгоритми содда, "Excel" ёрдамида таҳлили амалга ошириш имконияти, шунингдек, рейтингда фойдаланадиган меъёрий мезон қийматлари, рейтинг агентликлари томонидан очиқ эълон қилинадиган манбалардан эркин фойдаланиш имконияти мавжудлиги унинг асосий ижобий жиҳатлари деб эътироф этилади.

Шу билан бирга, риски баҳолашдаги таҳлилда кўзда тутилган кириш маълумотларига кўйиладиган нормал тақсимотга бўйсуниш талабини банк соҳаси натижалари статистикасига кўллаш мураккаблигини бартараф этган ҳолда таҳлили амалга ошириш имкониятини беради.

Нихоясида риски ананавий баҳолашдан кўра услубиёт ёрдамида риски баҳолаш тадқиқотимизнинг асосий мақсади бўлган инвестор учун қарз инструментининг жозибадорлигини унинг рискини минималлаштириш орқали ошириш имкониятини бериши аниқланди.

Демак, риски статистика усулларига асосланган баҳолаш метрикасига таянган ҳолда баҳолаш имкониятини бериши билан бирга, услубиёт миграция таҳлили ва дефолт ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қарз инструменти бўйича кредит рискини баҳолашда инвестор риск аппетитига боғлиқ фаоллигини оширишда ва инвесторлар орасида рақобат устунлигига эга бўлишда амалий аҳамияти юқоридир.